



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
8 август
ЧОРШАНБА
№ 64
(11.971)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

Ҳозирги даврда сайёҳлик дунёда энг даромадли соҳалардан бирига айланди. Чунки унга сарфланган ҳар қанча харажат бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ ўзини оқлайди. Техника ва транспорт воситалари тараққиёти эса сайёҳлик соҳасининг тезкор суръатларда ривожланишига ҳар томонлама ёрдам беради. Ҳисоб-китобларга кўра, яна 12-14 йилдан кейин дунё бўйича сайёҳликдан тушадиган даромад 500 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетар экан. Бу рақам мазкур соҳанинг нечоғли муҳимлигидан далolat бериб турибди.



ОЛАМНИ МАҲЛИЁ АЙЛАГАН ДИЁР

Истиқлол "қаадиричи"

Олис тарихимиз саҳифаларини барқарор асосида, юртимизга ҳориж сайёҳларининг сафарлари айнан Амир Темур ва темурийлар даврида фаоллашганига амин бўламиз. Ўз даврида Соҳибқирон ҳазратлари бошқа кўплад давлатлар раҳбарлари сингари француз кироли Карл VI ва инглиз кироли Генрих IV билан алоқа ўрнатган. Шавкатли бобоконилимининг элчиси 1403 йилда Парижга борган бўлса, Европа давлатлари ҳукмдорларининг элчилари Самарқандда, Темур саройида қабул қилинган. Хусусан, испаниялик Клавихонинг "Буюк Темурнинг ҳаёти ва фаолияти" асарида юртимиздаги ижтимоий ҳаёт манзаралари ва сайёҳларнинг Темур давлатига интилиши қанчалик ҳассослик билан акс эттирилгани ҳам бу фикримизни яққол тасдиқлайди.

Ҳа, диёримизнинг бой ва кўнча тарихи, қадимий маданият-меъморий ёдгорликлари ҳақон сайёҳларини ҳаммаша ўзига қорлаб келган. Таассуфки, шўролар замонида юртимизнинг улкан сайёҳлик салоҳияти марказдан туриб бошқарилгани ва олинган асосий даромад ҳам марказга йўналтирилгани оқибатида республикамиз иқтисодиёти сайёҳликдан унчалик наф қўрмас эди. Мустақиллиқнинг дастлабки давридақ Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда туризм иштини яхшилаш, диёримизнинг бу борадаги жозибадорлигидан оқилона фойдаланиш, қолаверса, сайёҳликдан тушадиган даромадни тўғридан-тўғри юртимизда ушбу соҳани ривожлантиришга йўналтириш йўлида муҳим қадамлар қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 27 июлдаги фармонида мувофиқ, саёҳат соҳасида республикада ягона сиёсатни амалга оши-

рувчи давлат органи – "Ўзбектуризм" миллий компанияси тўзилди. Миллий компания ўтган даврда мамлакатимизда сайёҳликнинг ҳуқуқий, иқтисодий асосларини шакллантириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, ҳақон андозаларига мос сайёҳлик тизимини таркиб топтириш борасида муайян натижаларга эришди. Ҳорижий инвестициялар жалб этилиб, замонавий сайёҳлик мажмуалари қурилмоқда, шунингдек, янги туристик йўналишлар ишлаб чиқилмоқда. Тарихий-меъморчилик обидалари таъмирланишига, уларни тарғиб-ташвиқ қилиш ишига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бунинг натижасида миллий туризм замон талабларига мослашган бўлиб, юртимизда иқтисодий ҳаёт манзаралари ва сайёҳларнинг Темур давлатига интилиши қанчалик ҳассослик билан акс эттирилгани ҳам бу фикримизни яққол тасдиқлайди.

Тадбиркорларимиз – сайёҳлар хизматида

Ўзбекистон 1993 йилда ўз сафига 120 дан ортиқ мамлакатни бирлаштирган Жаҳон туристик ташкилотига (WTO), кейинчалик WTO Европа комиссияси раёсатига аъзо бўлди. Бундан бир неча йил бурун – 2004 йилнинг октябрида "Буюк ипак йўли" лойиҳаси доирасида Самарқанд вилоятида мазкур ҳалқаро ташкилотнинг ваколатонаси очилгани ҳорижий сайёҳлик агентликлари Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги имкониятлари билан кенг танишиши учун яна бир қўлайлик яратди.

"Ўзбектуризм" миллий компаниясидан маълум қилишларича, бугунги кунда компаниянинг Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида минтақавий бўлиналари, Қорақалпоғистон Республикаси ва

бошқа вилоятларда саёҳат ва экскурсия бюрolari, шунингдек, Малайзия, Индонезия, Покистон, Россия, Миср Араб Республикаси каби давлатларда ўз ваколатхоналари фаолият юритмоқда. Уларнинг асосий вазифалари минтақаларда ва ҳорижда туризм фаолиятини мувофиқлаштириш, жойлардаги барча туризм имкониятларини чуқур ўрганиб чиқиш, соҳадаги муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини қўришдан иборат.

Ушбу тузилмалар юртимиздаги бой тарихий-меъморий обидалар, зиёратгоҳ ва табиий жиҳатдан эътиборга молик сўлим масканларни кенг тарғиб этиб, сайёҳларни жалб қилиш, шу билан бирга, янги йўналишларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни дунёнинг нуфузли давлатларида бўлиб ўтадиган сайёҳлик кўргазма-бозорларида тарғиб қилиш билан шуғулланмоқда. Улар томонидан жойларда хусусий секторни янада ривожлантириш мақсадида замонавий талаб даражасидаги хусусий меҳмонхона мажмуаларини барпо этишда тадбиркорларга ақиндан қўмаклашиш, сайёҳлар сайр қиладиган жойларда янги сервис ва хизмат кўрсатиш турларини барпо этиш эъзига жойларда қўшимча иш ўринларини яратиш каби ишлар амалга оширилаётир.

Республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасида ўрта ва кичик бизнесга кенг йўл очиб берилмоқда. Шу жумладан, туризм йўналишида хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар сони кундан-кун кўпаймоқда. Ҳозир юртимизда туризм соҳасида хизмат кўрсатишнинг асосий қисми хусусий сектор томонидан амалга оширилаётир.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят ҳокимлигига ЁШ ОИЛАЛАРГА ИМТИЁЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

Вилоят ҳокимлигига «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов бошқарди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, гуруҳ ва котибият раҳбарлари, тегишли бошқарма ва бўлимларнинг бошлиқлари, банклар ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмиталарининг раислари «Маҳолла» хайрия жамғармаси ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят, шаҳар ва туман бўлиmlари раҳбарлари иштирок этишди.

Муҳокама қилинаётган мавзу бўйича Марказий банкнинг вилоят бўлими бошқаруви, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят кенгашлари раҳбарлари, Ангрэн шаҳар ҳокими ўринбосарининг ҳисоботлари тингланди.

Президент Фармонида кўзда тутилган вазифаларни амалга оши-

риш мобайнида ёш оилалар даромадини барқарорлаштириш омилларини ишга солиш, ёшларнинг иш билан бандлик даражасини ошириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенгроқ жалб қилиш, микрокредитлар ажратиш қўламини кенгайтириш, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан ёш оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга қўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидландики, ҳозиргача ёш оилаларга 1 миллиард 606 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди. Келгусида бундай кредит олувчиларнинг доирасини янада кенгайтириш назарда тутилмаётир.

Йиғилиш тегишли қарор қабул қилди.

Пахтачиликда муҳим палла



МАҚСАД – ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ

Дехқончиликда суяғи қотган асл заминдорларнинг кўп йиллик қузутов ва тажрибаларидан келиб чиқиб, пахта етиштириш агротехникасини шартли равишда учта муҳим босқичга бўлиш мумкин.

Унинг биринчиси қузда сифатли шудгорланган ерни эрта қўламда уруғ қадашга кечиктирмай тайёрлаш ва уруғлиқни мақбул паллада экиш бўлса, иккинчиси чигитни текис ундириб, тўлиқ кўчат олишдир. Табиийки, эндиғи асосий ҳал қилувчи омил – гўза парваришига ҳам илмий асосда, ҳам табиий шароитдан келиб чиқиб, масъулият билан ёндашишдир. Экиннинг биологик ривожланиши ва ҳосил тўплашида энг қўлай ва тизимли палла маълумки, июль-август ойларига тўғри келади.

Бунга яхши аниқланган вилоятимиз пахтакорлари эртанги мўл ҳосилга умид боғлаб, эртага кеч экин атрофида парвона бўлаётирлар. Ақсарият майдонларда гўзага уч, зарур ҳолларда тўртинчи маротаба сув берилди. Фермерлар ўзлари парваришлайётган экинни эҳтиёжга қараб зарур минерал ва маҳалла ўғитлар билан қўшимча озиклантираётирлар. Деярли барча майдонларда гўза чеканаси вақтида, сифатли ўтказилди. ...Оққўрғон туманидаги «Бурхон» фермер хўжали-

гидамиз. Куёш эндигина бош кўтариб, атрофга нур сочаётган бир паллада хўжалик раҳбари ва аъзоларини пахтазорда учратдик. Улар гўза оралаб ҳосил нишонларини санашаётган эканимиз, кайфиятлари бўлакча.

Тўртинчи сув ва яқиндагина яқунланган чеканадан кейин экинга яққол ўзгартиш бор, – дейди фермер Бурхон Қурбонов. – Ҳар тўпда янги бўлиқ қўсақлар пайдо бўлибди. Озуқага қонган-да, экиннинг ранги ҳам тўқ, танаси бақувват. Тўғриси, эскидан «Асад» экиннинг яса» деб бекор айтишмайди. Чамамда, яқин беш-ўн кунда яна беш-олтитадан қўсақ қўшилиди. Бунга

эришсак, кутганимиздек 40 центнердан ҳосил кўтарамиз.

Дарҳақиқат, дехқонларнинг тинимсиз меҳнати билан парваришланаётган гўзалар дуркун, яйраб-яшаб турибди. Жами 27 гектар майдондан фермер кутганидек ҳосил олинса, хўжалиқнинг бу йилги даромади ҳам чакки бўлмайди.

Файрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

СУРАТДА:

Фермер Бурхон Қурбонов гўза оралаб ҳосил чамалаётпти.

Пардавой ЭРГАШЕВ
олган сурат.

ЮКСАК САВИЯДА ЎТДИ

Республика мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши, республика техник ва амалий спорт турлари маркази Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллиги байрамига атаб Чирчиқ шаҳрида армияга қақируволди ва қақирув ёшидаги ёшлар ўртасида ҳарбий-амалий кўпқўраш бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларини ўтказди.

Биринчиликнинг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокимлиги, республика Мудофаа вазирлиги, республика Маънавият ва маърифат маркази, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари вакиллари иштирок этдилар.

«Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасалари курсантларининг турли мавзулардаги кўргазмали чиқишлари маросим қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Бутун биринчилик давомида уюштириб борилган маданий-маърифий тадбирлар, махсус концерт дастурлари мусобақа жараёнларига ўзгача руҳ, спортчиларга эса куч-ғайрат бағишлади.

Биринчилик давомида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоалари спортнинг 100 ва 3000 метрга югуриш, ўқ отиш, узоклик сақраш, сузиш каби тўққиз тури бўйича голиблик учун курашдилар.

Энг юқори натижаларга эришган Қашқадарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари жамоалари совринли ўринларни қўлга киритдилар. Биринчиликнинг ёпилишига бағишланган тантанали маросимда голиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

Муниса РАҲАББОВА.

КОРХОНАДА ТАКТИК МАШҒУЛОТЛАР

«Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик бирлашмасининг Мис бойитиш фабрикаси ҳамда «Қаулди» кон қазиб олиш участкаларида республика ҳарбийлашган тоғ-қутқаруви, комбинат фуқаро муҳофазаси отрядларининг навбатдаги тактик ўқув-машғулотлари ўтказилди.

Шу жараёнда ерусти ва ерошти кон ишларининг бажарилишида табиий-техноген ҳодисаларга нисбатан хушёрликни ошириш, фавқулодда ҳодисаларни бартараф этиш каби ҳолатлар амалий машғулотлар мисолида кўрсатиб берилди. Комбинат тасарруфиддаги «Автомобилчи» дам олиш оромгоҳида сув тошқинини бартараф этиш бўйича ўтказилган машғулотлар ҳам ташкилотчилар томонидан ижобий баҳоланди.

Муниса ИСАЕВА.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътилини мазмунли ўтказиш ҳамда уларни спортга оммавий жалб этиш мақсадида «Ёз – 2007» спорт мусобақаларини ташкил этмоқда. Мусобақалар спортнинг 15 тури бўйича ўтказилаёпти.

МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Куни кеча Ангрэн коммуналхона ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежиди мусобақалар таркибидан ўрин олган баскетбол баҳсларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Мусобақаларда 380 нафардан ортиқ ўқувчи майдонга тушди.

Яқунли натижаларга кўра, ўғил болалар ўртасида Ангрэн шаҳри вакиллари биринчи, Янгийўл тумани ўсмирлари иккинчи ҳамда Олма-

лик ўқувчилари учинчи ўрин соҳиб бўлишди. Қизлар ўртасида ҳам Ангрэн ҳамда Янгийўл тумани баскетболчилари пешқадамлик қилишди.

Мусобақалар якунида голиб ва совриндорларга болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ҳамда Ангрэн шаҳар ҳокимлигининг эсдалик совгалари тортиқ этилди.

Хуррият МҲМИНОВА.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ҲАШАР

Мукаммал таъмирдан чиқарилган ўртачирчиқдаги 75 ўринли туғруқхона биносини Мустақиллиқнинг 16 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

– Белгиланган қурилиш-монтаж ишлари тўғрисида ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик субъектлари жалб этилди, – дейди туман марказий шифохонасининг хўжалик ишлари мудири Абдуқодир Иноғомов. –

Ҳашар йўли билан жами 50 миллион сўмлик иш бажарилди. Шунингдек, бу ерда кир ювиш ва бошқа маиший хизмат турлари учун ёрдамчи бинолар ҳам қуриб битказилди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ

Қибрай туманидаги «Истиқлол» мажмуасида ОИТС, сил касалликларининг олдини олиш бўйича «Глобал фонд лойиҳаси» ижросини таъминлаш мақсадида бир кунлик ўқув-семинар ташкил этилди.

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси ҳамда вилоят ОИТС маркази ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда маҳалла фуқаролари йиғинлари фаоллари, ўқувчи-

ва талаба ёшлар иштирок этишди. Мутахассислар йиғилганларга мавзу доирасида етарли тушунчалар беришди.

Алишер РАҲМАТОВ.

ЯНГИЙЎЛДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Янгийўл шаҳар ҳокимлиги ва Меҳнат бўлими томонидан ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари жойларда янги иш ўринлари яратилишига, аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашмоқда.

– Йилнинг биринчи ярмида 200 дан зиёд киши ўз ихтисосликлари бўйича Меҳнат бўлими томонидан корхона ва ташкилотларга йўланма олди, – дейди шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Жамила Усмонова. – Шундан 70 нафари аёллар, Бундан таш-

кари, касаначилар, яъни уй шароитида хунарманликл билан шуғулланаётганлар учун Янгийўл ёғ-мой комбинати, Буюкимё заводи ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари ҳомийлигида 178 та иш ўринлари барпо этилди.

Муниса РАҲАББОВА.

Қарор Ва ижро

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан автомобиль транспортида йўловчи ташиш фаолиятини тартибга солиш, транспорт хизмати кўрсатиш сифатини янада оширишга доир изчил ислохотлар ўз самарасини бермоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июнда қабул қилинган "Автомобил транспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу ишларнинг мантйқий давоми бўлди. Қарор автомобил транспорт воситалари миллий давлат рақами белгиларининг халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқлигини таъминлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг электрон тизими билан бирга олиб бориш, шунингдек қалбакилаштириш ва улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинди.

— Мазкур ҳужжат асосида автомобил транспорт ва уларнинг тиркамалари, ярим тиркамалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини тасдиқланди, — деди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бўлими бошлиги Анвархўжа Сулаймонхўжаев. — Ҳужжатга кўра, эндиликда юртимизда фаолият кўрсатаётган идора ва ташкилотлар ҳамда фуқароларимизга тегишли автомобил транспорт воситалари давлат рақамларида, аввало, давлатимиз рамзи — Ўзбекистон Республикаси байроғи акс этади.

Юридик шахсларнинг автомобилларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, чет, рақам ва ҳарфлари қора рангда бўлиб, чап томонда худуднинг коди, ўнг томонда Ўзбекистон Республикаси

Шунингдек, турли даражадаги халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар автомобиллари учун ҳам янги давлат рақами намуналари ишлаб чиқилди. Уларнинг фони асосан яшил ва сариқ рангда бўлиб, ҳарф ва рақамлар кетма-кет жойлаш-

ляоти — 85-89 ва ҳоказо.

Давлат рақами белгиларини тайёрлашда ёруғликни акс эттирувчи қопламалардан фойдаланилади. Чидамли, емирилишга қарши металл қотишмалари қўлланилади. Булар қалбакилаштиришдан ҳимоя қилишнинг юқори даражасини таъминловчи тасдиқланган махсус технологияга мувофиқ амалга оширилади.

Давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш босқичма-босқич амалга оширилади. 2007 ва 2008 йилнинг биринчи чораги мобайнида ишлаб чиқарилган санасидан қатъи назар, автомобил транспорт воситалари учун, улар эгаларининг ёзма аризаси асосида ихтиёрий равишда, шунингдек янгидан рўйхатдан ўтказилаётган (қайта рўйхатдан ўтказилаётган) барча автомобил транспорт воситалари учун мажбурий тартиб амал қилади.

2008 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб 2011 йил 1 январгача — янгидан рўйхатдан ўтказилаётган (қайта рўйхатдан ўтказилаётган), шунингдек фойдаланилаётган (ишлатилаётган) барча автомобил транспорт воситалари учун мажбурий тартибда жорий этилади.

Эски давлат рақами белгиларини янгисига ихтиёрий равишда алмаштириш тўғрисида 2007 йил мобайнида мурожаат қилган автомобил транспорт воситалари эгалари рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим тўлашдан озод қилинади. Яроқсиз ва йўқолган давлат рақами белгиларини ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини мажбурий алмаштириш ҳоллари бундан мустасно.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.



Янги миллий давлат рақами

Жисмоний шахслар автомобилларига бериладиган янги давлат рақамининг умумий кўриниши ҳам шундай бўлиб, фақат ҳарфлар жойлашувидан бироз фарқ бор. Янги юридик шахслар автомобилларида учта рақам ва учта ҳарф кетма-кет жойлаштирилса, жисмоний шахслар автомобилларида битта ҳарф, учта рақам, кейин яна иккита ҳарф ўрин олади.

Олий давлат органлари, бошқарув органлари ва вазирликларнинг автомобилларига бериладиган давлат рақамларида аввал давлат байроғи, учта ҳарф ва учта рақам бўлиб, худудий код бўлмади.

тирилади.

Умуман айтганда, янги белгиларнинг 25 га яқин тури бўлиб, автомобиллар учун алоҳида, бошқа транспорт воситалари, яъни юк машиналари, автобус, мотоцикл ва тиркамалар учун ҳам алоҳида давлат рақамлари ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш жоизки, қарор асосида мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятига хос янги худудий кодлар ҳам тасдиқланди. Улар ҳозиргидек 10, 30, 14, 22 эмас, балки иккита икки хонали сондан иборат. Масалан, Тошкент шаҳрининг худудий коди рақами — 01-09, Андижон вилояти 60-69, Қашқадарё вилояти — 70-74, Навоий ви-

Хайрли ташаббус

Тошкент тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими аҳолига қатор қўлайликлар яратиш мақсадида хайрли ишга қўл урди.

Жумладан, бўлим томонидан вақтинчалик жисмоний фаолият чекланган беморлар учун эшитиш ва таянч воситалари ижара тизими йўлга қўйилди. Бунда Ҳасанбой, Охунбобоев ҳамда Фулом Абдуллаев номли агро-сановат фирмаларининг ҳиссаси катта бўлди. Ҳозир бу қўлайликдан 20 нафарга, яқин беморлар беминнат фойдаланишмоқда.

Шунингдек, бўлим ташаббуси билан тумандаги 80 нафар кекса кишилар уй-жойлари таъмирланди.

Саид ҲАСАНОВ.

МАРКАЗНИНГ ДАСТЛАБКИ БИТИРУВЧИЛАРИ

Қибрай тумани ёшлар ижтимоий хизматлари марказида «Компьютер саводхонлиги» ўқув-курсида машғулотлар йўлга қўйилди.

Ёзги таътил даврида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни компьютер бўйича малакаларини ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур ўқув-курсида Май, Қипчок, Чинобод қишлоқ-

ларининг 170 нафар ёшлари тахсил олади. Яқинда, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши томонидан дастлабки битирувчиларга маълумотномалар тақдим этилди.

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ

Мамлакатимизда мукаммал шаклланиб бораётган фермер хўжаликлари эркин бозор иқтисодиёти асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Фермер бўлса, унинг хўжалиги ривожланса, эл-юрт обод бўлиши, одамларнинг турмуш фаровонлиги ошишини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Бу борада Куйичирчиқ туманида фаолият кўрсатаётган Осиё тараққиёт банки «Дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш» лойиҳаси доирасида илм-фан янгиликларини жорий этишда фермер хўжаликларида амалий ёрдам бермоқда. Ушбу банк қошидаги қишлоқ бизнес маслаҳат маркази фермерларнинг яқин маслақдошига айланган.

Қишлоқ бизнес маслаҳат маркази мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий ишлар олиб бораётган қатор илмий-тадқиқот институтлари билан

ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўтган давр мобайнида марказ томонидан 72 та ўқув-семинар ўтказилди. Уларда 4200 дан ортиқ фермер ва тадбиркорлар иштирок этди. Лойиҳа амалга жорий этилгандан бери бир ойда ўртача 106 миң жоз марказ ходимларига мурожаат қилган бўлиб, уларнинг 83 нафари билан 14116 миң сўмлик шартнома тузилди. 55 нафар фермерга шартнома асосида бухгалтерия хизмати кўрсатилмоқда.

Марказ тумандаги «Қўзибой ота Давлатов» фермер хўжалиги негизда кўрғаз-

ма участкаси ташкил этди. Унда илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимлари хорижий мамлакатларда деҳқончилик бора-сидаги илмий ишларини амалиётга татбиқ этмоқдалар. Туман фермер хўжаликлари раҳбарлари ва тадбиркорларга бу илгор технологиялар фойда маъқул бўлаяпти. Айниқса, Л. Эргашев, М. Боиров, С. Бомуродов, Р. Икромов, П. Ортиқбоев каби илмий ходимлар туман фермерларининг энг яқин кўмаки ва маслаҳатчиларига айланишган.

Пахта ва дон ҳосилдорлигини ошириш борасида қилинаётган ишлар ҳамда илмий-тадқиқот жараёнларини амалиёт билан ҳамкорликда олиб борилаётганини ижобий натижаларни бермоқда.

— Қишлоқ бизнес мар-



казининг фермер ва тадбиркорлар орасида нуфузи ошиб бормоқда, — дейди марказ раҳбари Бахтиёр Акбаров. — Чунки, илм-фан ютуқларини, янги технологияларни деҳқончиликка жорий этиш давр талаби.

Мирза ҲАМДАМОВ.

МАХСУС ТАЪЛИМ ЛОЙИҲАСИ


Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигидаги таълим кўмак муҳтож болалар учун умумий таълимни ривожлантиришга оид лойиҳа ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Лойиҳа менежери Нодира Каримованинг таъкидлашича, 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамда Осиё тараққиёт банки ўртасида эришилган келишув асосида бошланган "Иқтисодий таълим" лойиҳаси уч йилга мўлжалланган бўлиб, вилоятлардаги олтинта махсус мактаб-интернат ҳамда ўн иккита умумтаълим мактабини ўз ичига олган.

Умумий қиймати бир ярим миллион АҚШ долларига тенг мазкур лойиҳа таълим кўмак муҳтож болаларнинг умумтаълим мактабларида билим олишга кўмаклашиш, илм даргоҳларини капитал ва жорий таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, махсус — инклюзив таълимга оид мослама ва қурилмалар барпо этиш, зарур жиҳоз ва ускуналар, мебеллар билан таъминлашни назарда tutади. Айни пайтда ўқитувчиларнинг инклюзив таълим бўйича малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, ушбу йўналишда ўқув қўлланмалари, дарсликлар, услубий воситалар ишлаб чиқиш ва чоп этиш, жойларда махсус таълим бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш лойиҳанинг муҳим йўналишларидандир.

Семинарда лойиҳа ижросини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Назакат Усмонова,
ЎЗА мухбири.



ШОГИРД ДЕГАНИ ШУНДАЙ БЎЛСА

Ҳозир «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида 8,5 миңдан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда. Комбинатнинг 1-навли прокат цехи жамоаси ҳар жабҳада ўрнатилган бўлаётганлигини таъкидлаш жоиз. Ишчи-хизматчиларда фидойилик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат фазилатларини шакллантиришда устоз-шогирд анъанаси қўл келмоқда.

Омонбек Алиматов ҳам шу анъанани давом эттириб, ҳамкасбларига ўрнатилганлардан. Унинг нафақат етук мутахассис, қолаверса комил инсон бўлиб шаклланишида устози Аҳмад Исроиловнинг меҳнати катта. Устознинг йўл-йўриқлари, панд-насихатларига амал қилиб, ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан «катта

уста» номига сазовор бўлди. Унинг меҳнатлари муносиб баҳолаб, Президентимизнинг фармонида биноан «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланди.

— Цехимиз 1-чорак давомида юртимиз кон-металлургия корхоналарига 130 миң тоннадан зиёд 100-120 миллиметрли золдирлар етказиб берди, — дейди А. Исроилов.

СУРАТДА:

(ўнгда) Омонбек Алиматов устози Аҳмад Исроилов билан кундалик режалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Султонбой
ДЕҲҚОНБОВ
олган сурат.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! "РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ" ЁАЖ очик аукцион савдосига таклиф этади.

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйиладиган тақдирлар қўйилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги ПҚ-514-сонли қарорига асосан тугатилган "Охунбобоев" номли қишлоқ хўжалик ширкатининг қайта ташкил этиш комиссияси раиси томонидан, Тошкент вилояти, Оккупация туманида жойлашган, "Охунбобоев" номли қишлоқ хўжалик ширкатининг асосий воситаларидан қорвчилик фермаси мулкий мажмуа сифатида тақдоран арзонлаштирилган баҳода қўйилмоқда (олдинги баҳоси — 63 729 455 сўм).

Бошланғич баҳоси — 49 783 879 сўм.

Ушбу кўчмас мулк билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

2. Тошкент вилояти Бекобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 22 январдаги 11-0623/13077-сонли ижро варағига асосан қўйилган, Бекобод тумани, Далварзин ф/уда сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 11 АН 129 бўлган, "Дамас" русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 1 890 000 сўм.

3. Бекобод шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ФИБ Тошкент вилояти Уртачирчиқ туманларо судининг 2006 йил 9 августдаги ижро варақасига асосан, Бекобод шаҳри, "Бекободсавдо" омборонасида сақланаётган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 11 У 0107 бўлган, "Опель омега" русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 5 897 400 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 28 август ва 4, 11, 17, 25 сентябрь кунлари соат 11.00 да ушбу кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг Шайхонтохур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй.

Телефон: 228-79-52.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz

Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси жамоаси

яқинлашиб келаётган ҚУРУВЧИЛАР КУНИ

муносабати билан вилоятимиздаги соҳага алоқадор барча корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчиларини, тизимда фаолият юритаётган хусусий тадбиркорларни муборакбод этади.

Муҳтарам ҳамкасблар!

Келинг, сизу биз бунёд этаётган

катта-кичик бино ва иншоотлар ҳар

жиҳатдан муҳташам ва мукаммал бўлсин.

Зеро, улар келгуси авлодлар учун муносиб

мерос бўлиб қолмоғи лозим.

Юртимиз қиёфасини тубдан янгилаб,

янада обод ва кўркем гўшага айлантириш

йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда

доимо омад ёр бўлсин!

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ,

оилавий бахт тилаймиз!



Болалар спорти

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.